

3. ЖАҲОН СОЦИАЛИСТИК СИСТЕМАСИНING
РИВОЖЛАНИШИ ВА МАМЛАКАТНИ ИДОРА
ҚИЛАЁТГАН КОММУНИСТИК ПАРТИЯЛАР-
NING ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧЛАРИ

2-БЕТ. 10 МАИ 1964 ИИЛ. ...

ТЕЗ, АРЗОН ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

РЕПОРТАЖ 60

СОАТДА 48 КВАРТИРА

Қўйиқ нарийбидан чиққан са-
мосаллар номбинат томон елади.
Уларни ишчилар кўтиб туришди.
Хиёл келинмиш ҳам ҳамма
нинг кўли бўш қолади. Ўйинчи
машина кўш табақали биринчи
дан ўтиб, ўнган бурлиди. Катта
омборхона. Машина тўғри кириб
кузовидаги диаметри 20 милли-
метрли шугали белгиланган жой-
га ағдарди. Иккинчи машинада
диаметри 30 миллиметрли шугал.
Учинчиси эса ўртача йиринлик-
даги кум. Орада яна қатор-қа-
тор машиналар қаровни. Кўни
бўйи уларнинг нети узилмайди.
— Ишимиз шу ердан бошлана-
ди, — дейди номбинат технология
Умурзоқ Йўлдошев ошор бинда-
ги минораларга ишора қилиб.
Тўнган шугал ҳам кум транс-
портёр ленталари ерданда ми-
нор устига ўратилган бункер-
ларга қўйилапти. Бункер остида-
ги галерей эса уларни бетон уз-
лига узатади. Бу ерда жууда ҳам
анқил ишлайдиган тарозилар бор.
Шағал, кум, цементдан керакли
миндорда йўналтирувчи труба-
ларга тушириб бериб улар. Бе-
тон шу ердан қорилла бошлади
ва қопилларга етгунча оби-тобига
келади.
— Бу процесслар кўзга кўрин-
майди. Миноралар ичига ўратил-
ган механизмлар автоматик усул-
да уларни бақараверади, — да-
вом этди У. Йўлдошев бош кор-
пус томон юрак экан. — Мана,
бу ерда эса тайёр бетоннинг си-
фатини текшириб кўрамыз-да,

турли ҳажмдаги темир қопиллар-
га қўйиб қўйилмайди.
Корпус ичи жууда ҳам нонг. Ва-
гонеталар, телеканаллар ўртадаги
йўлга бўйлаб ҳаракатда. Шинда-
ги қанлар йўлининг ички то-
монидан қопиллар устида бир
зум тўхтади-да, бакуват илган-
лари билан қопилдан янги кўчган
панелларни ташқари томон элди.
Эшик-даразаси бир йўла ўр-
натилган бу панеллар қурувчи-
бинокорнинг қўлини ушламайди.
Панеллар бир-бирига монтаж қи-
лини бас, шинам нвартиралар
тайёр бўлади. Оқлаш-қўлаш ҳам
шарт эмас. Узининг беағи дидин-
гизга ёқади. Ташқари ва ичкири-
си оқ цемент билан сувалган.
Корпус бошлиғи Исмонил Йене-
мов ҳам шу ерда. Ишонинг бори-
шини кузатилти у. Тайёр панел-
ларни қўлидаги метр билан ўлчаб
кўрапти. Кўринишдан кўнгли
чоғ. Ҳаммаси нормадагидек —
панелларнинг бўйи 3 метр 4 сан-
тиметр, эни 5 метр 92 сан-
тиметр, қалинлиги эса 25 сан-
тиметр.
— Панел-деворлар юпка эмас-
микин, қишда хона совуқ бўлма-
йми? — сўраймиз ундан.
— Хавотирланманг, иссиқлиги
ғишт деворларининдан қилиш-
майди, — дейди корпус боши-
ғи бамайхотир. — Мана ўзин-
гиз кўринг. Панелнинг ташқи то-
мони 10 сантиметр бетон билан
қопланган. Ўртада эса совуқ ўт-
казмайдиган минерал пахта жой-
ланади. Сунг хона ҳароратини
сицаиб турувчи яна 5 сантиметр

қалинлидаги махсус бетон қў-
йилган. Ҳозиргача йирик панел-
ли уйларида истиқомат қилаётган
ҳамшаҳарларимиздан ҳеч қандай
эътироз тушганича йўқ. Туш-
маслинка ҳаракат қилмай ҳам.
Тевара-атрофда иш қайнади.
Иккинчи цех ишчилари Айбарали
Сафаралиев, Ким Ин Сен, Неймат
Зейматов ўртоқлар набабдаги
вертикаль усулда тайёрланадиган
панеллар учун қопилларга арма-
тура симларини жойлашляпти.
Қаршида эса Ганитилла Шарипов
бошлиқ коммунистлик меҳнат бри-
гадаси аъзолари меҳнат қилиш-
монда. Азаматларнинг ғайрати
эру. Утган апрель ойи ичиди
ратимдаги 908 ўрнига 1.100 квад-
рат-метр панел тайёрлаб плани
122 процент адо этишди. Бригада
аъзолари ҳамон ҳаммасиларга ўр-
нан. Э. Жаҳфаров, Р. Валиев, М.
Сазонова каби пешнадаилар тез
ва соз ишлашда бошқаларга на-
муна бўлишляпти.
Комбинатда илгорлар билан ел-
нама-елна туриб меҳнат қила-
ган ишчилар оз эмас. Улар ғай-
рати билим, корхона заводлари
тўрт ойлик ялпи махсулот ишлаб
чиқариш планини 110,7 процент
адо этди. Илгор иш усуллари ва
технологияни қўланиш натижа-
сида меҳнат унумдорлиги бўйича
белгиланган план ҳам 111,4 про-
цент бажарилиди.
Ховлига чиқамиз. Бош корпус
атрофлариди қурилиш ишлари
жадал бораляпти. Янгма темир-бе-
тон конструкциялари монтаж қи-
лимоқда. Бу йўлдош корпуслар

қуриб битазилган, номбинатнинг
йиллик қуввати 300 минг квад-
рат метр йирик панеллар ишлаб
чиқаришга етади.
— Утган йили коллективимиз
115 минг квадрат метр панел ва
бинокорлик деталлари ишлаб чи-
қарди, — изоҳ беради У. Йў-
лдошев. — Бу йил эса қўшимча
қувватларни ишга тушириш хи-
собиға йил охиригача 146 минг
квадрат метр тайёр уйлар ишлаб
чиқаришга аҳд қилганимиз. Сўз
бердиким, унинг устида албатта
чиқамиз. Ҳозир комбинат цехла-
рида ҳар икки ярим нунда 48
квартирани бино учун етарли йи-
рик панеллар ва темир-бетон пли-
талари тахт бўляпти. Бу биз
учун чегара эмас. Уланимизда ку-
рилиш кўламини кенгайляпти. Ҳам-
шаҳарларни шинам квартиралар
билан таъминлаш иштиғи бор
дидимизда.
Ҳа, яхши гап албатта қанот
қонади. Уйсозлар орузи ушлади-
ган кунлар узок эмас. Азаматлар
шу неча-кундузда Ўзбекистон ИП
Марказий Комитети, республика
Олий Совети Президиуми ва Ми-
нистрлар Советининг Мурожаати-
дан руҳланиб янги-янги меҳнат му-
ваффақиятлари сари отилимоқда-
лар. Барчанинг дилида бир зағу
ният бор. У ҳам бўлса серқуш
уламиз ва Ўзбекистон Компар-
тиясининг 40 йиллик тўғйини му-
носиб тўғна билан кўтиб олиш-
дир.
М. УМАРОВА,
Ж. НОСИРОВ.
Тошкент уйсозлик комбинати.

Барча ишлаб чиқариш қувватлари, сув хўжалиги
иншоотлари, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар-
нинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини
таъминлаш, бино ва иншоотларни тез, мустаҳкам,
арзон ва чиройли қилиб қуриш — бинокорларнинг
муқаддас бурчидир!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Мурожаатидан.



Суратда: ўртоқ Т. Махмудов (чапда) ўзи раҳбарлик қилаётган
бригада аъзолари билан суҳбатлашмоқда.
М. Нуриддинов фотолари.

ЯНГИ КОРХОНА ҚУРИЛИШИДА

Оҳангароннинг бугунги хуси-
жамоли ўзгача. Қатор баҳаво би-
нолар, саноат корхоналари, кенг
кўчалар шаҳар кўрениши очиб ту-
рибди. Мана бугун яна икки ги-
гант — уй жиҳозлари ишлаб чиқ-
арувчи завод ҳамда қурилиш ва
пластмасса буюмлари комбинати
қад кўтармоқда. Айниқса, комби-
нат қурилиш жадал сурыатлар би-
лан бормоқда. Бир томондан куч-
ли бўлдозор ва скреперлар ер-
ларни текисляпти, иккинчи то-
монда эса экскаваторлар ва ишчи-
лар телпотораси учун траншеялар
қазилляпти.
Қаршимизда улкан бино кор-
пуси. Унинг устки қисми ҳовузи-
мон шаклда ишланган. Ҳа, бу ҳақиқий
ҳовуз. Унга сув тўлатиб қўйилади.
Бу ҳол корпус ичиди ҳароратнинг
доимо бир хил даражада бўлиши-
ни таъминляпти. Бундан ташқари
корпус ичига махсус вентилятор-
лар ҳам ўратилляпти. Улар ҳозир
монтаж қилинмоқда.

Комбинат цехларига ўратила-
диган технологик машина ва ас-
боб-ускуналар Украина пластмасса
машинасозлиги илмий-текшириш
институтини, Киевдаги «Большевик»
заводи, «Гипростройматериал»
ҳамда енгил қурилиш материал-
лари институтини коллективлари то-
монидан тайёрланмоқда.
Комбинат қурилишида «Ўзбек-
шахтострой» трести бинокорлари
ва монтажчилари айниқса ғайрат
билан ишламоқдалар. Қурувчилар-
дан А. Саидалиев, К. Билолов, М.
Ўтбосаров, В. Дожин ва Г. Ол-
денбург ўртоқлар каби азаматлар
Оҳангарон қурилиш ва пластмасса
буюмлари комбинатининг биринчи
навбатини республикамиз ва Ўзе-
бекистон Компартияси 40 йиллик
йўбилейгача фойдаланишга топ-
шириш учун эру куч билан меҳ-
нат қилаяптилар.
М. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
штатсиз мухбири.



Йирик панеллар қурилиш ташкилотларига жўнатилмоқда.

ИСТИҚБОЛ ЭҒАЛАРИ

Малана ошириш комиссияси
ишга ортиқча эътироз билдирма-
ди. Ҳалима саволларга билганича
жавоб берди, чертевларини чизиб
курсадди. Назарий билими жойи-
да.
— Майли, унга сувов агрегати-
ни ишонинг мумкин, — дейишди
комиссия аъзолари.
Эртасига Ҳалима мустақил иш-
лашга ўтди. Устоғига ўрганиб қол-
гани учунини, дастлаб жууда ҳам
қийналди. Браиларга йўл қўйди,
мастердан «ишрингана» гап ҳам
эшитиб олди. Ишнинг кўриб, Ҳа-
лима худди нулаётгандек туюларди,
унга. Дугоналарига ўхшаб эркин
ишлашга ҳаранат қиларди-ку, ба-
рибир эппай олмасди.
— Бўлди, мен қурилишдан не-
таман, — деб қолди у сменадан
сунг дугоналарига. — Қўлимдан
кеймапти, уялланман.
— Эсингиз йиғ, — дейишди
қизлар. — Қўнғ қилсанг, ғайрат
қилсанг ҳаммаси қўлингдан нела-
ди. Ердан берамиз, биллаганинг-
ни тортинамиз сурайвер.
Қизлар ўз тажрибаларини Ҳа-
лимага бирма-бир ўргата бошлаш-
ди. Илгорлик сирларини тушу-
нришди. Қарангки, нўп ўтмай
Ҳалима ҳам ишонингден сувоқчи
бўлиб қолди. Ишонинг унуним ҳам
яхши, сифати ҳам соз. Қиздаги
усулни кузатиб юрган қурилиш
мастери Виктор Иванович При-
валов бир кун унинг олдиға нела-
ди, синовач оҳангда:
— Қурилишдан нетишини мўл-
жаллаб юрган эмишсан, аризанг-
ни топиридингми? — деди.
— Энди ҳайдасангиз ҳам не-
тайман. Шундай жоннулар дугона-
ларимдан анқилиб қаенда ҳам бо-
лардим, — деди Ҳалима уялган
кўзлари билан ерға қойиб.
— Фиринг катэтизм!
— Катэий, — деди қиз бошини
кўтариб.
— Бўлмаса сен шу сувоқчи
дугоналарингга бош бўласан, бри-
гадирлик қилсан.
Ҳалима тўсатдан айтилган бу
гапта ҳайрон бўлди. Тили айла-
нишга ҳам нелмай қолди.
— Бригадир? Йўқ, мен ўзини
эппайолсам ҳам, қўчилинка бош
бўлиш ўнгайми!
— Трест бошлиғи билан биз
шунга қарор қилдик. Қизлар ҳам
рози.
Кўни бўйи ҳаёли шу гап билан
банд бўлди. Мен бригадирман.
Удасидан чиқаманми, йўқми? Ёй-
лайди Ҳалима. Кечкурун ишдан

кейин дугоналарини йиғида,
бор гапни айтиди уларга.
— Ўзимиз сайладиким, ўзимиз
ердан берамиз, сен қўчимай
катэийроқ бўлсанг бас, — дейиш-
ди бригада аъзолари.
«Иш кўни бошланди. Сувоқчи-
лар ҳар кунгидек ғайрат билан
ишлашди. Смена охирида ҳисоб-
интиб қилинди: норма ортиғи би-
лан адо этилди. Ҳалима ўзиди
йўқ хурсанд. Янги қоришма-насос
агрегати олишди. Иш яна ҳам
енгли кўча бошлади. Меҳнат унум-
дорлиғи ошди.
Ленин эрталаб келиб Ҳалима ўз
кўзларига ишонмади. Негаги су-
воқ кўчабошлади. Мастерни қа-
йирди. В. Привалов қоришмани
қўли билан уқалаб кўриди-да:
— Қоришмага хлор қўшилма-
ди-ку, — деди, — бу ахволада сувоқ
ушларимди.
Мастер яна бир қанча сирлар-
ни гапирди. Механизмлардан фой-
даланиш йўлларини кўрсатди.
Мана ҳозир ушанга бир йил тўл-
ди. Ҳалима Ёчубова бугун тажри-
бали бригадир. Ишонинг кўзини
билиди, ташкилотчиларини ҳам
удалляпти. Йил бошдан бери 18
квартирани бир неча уйини қўл-
лаб иккаришди унинг қизлари.
Ишлаб чиқариш нормасининг
бажарилиш ҳар бир киши ҳисоби-
ға 147 процентга тўғри келди. Бу
муваффақиятга Лидия Бабина, Ни-
на Лапка, Зоя Яковлева, брига-
данинг ҳамма аъзоси тепла-теп
хисса қўшди.
Бригададаги иш маданиятини
кўриб, ҳаваси нелайди, кишининг.
Цемент, алебастр, нум жой-жойи-
да. Қўли гул дугоналар Тошкент-
нинг қайси қурилишида ишлява-
сини эсималларидиғи вазифини
аъло даражада удалляшди. Фой-
даланувчилар улардан доимо хур-
санд бўлишляди.
Азаматлар ғайрати ҳамон жўш
ураляпти. Улар Ўзбекистон КП ва
республика юбилейи шароғида
бошланган социализмни мусоба-
қаси қўшилиб ажойиб меҳнат
ғалабаларини кўлга киритишляп-
ти.
Биз ҳар кўни эрта билан ишга
нелайиб «Ўзгортектрой» трес-
тизмиз «Хурмат тахтасига бир на-
зар ташляймиз. У ерда қизлар
бригадаси бошлиғи Ҳалима Ёчу-
бова портретини кўриб ички-
миздан кўнониб қўямиз.
И. ЗИМИН,
«Ўзгортектрой» трести ар-
матурчиси, «Тошкент ҳақи-
қати»нинг штатсиз мухбири.

ХИМИЯ ВА АРХИТЕКТУРА

Партиямиз Марказий Комитети-
нинг декабрь Пленумида илгарий
сурилган химия саноатини жадал
ривожлантириш вазифининг
муваффақиятли бажарилиши ҳақда
хўжалиқнинг бошқа тармоқлари
каби қурилиш ва архитектура
ҳам яна бир юқори доғонага кўта-
ради. Маълумки, республикамиз-
да сунгги йилларда қурилиш ва
архитектура ишлари кўлада ра-
ванқ топди. Йирик уй-жой массив-
лари, маданий-маиший ва жамоат
бинолари қад кўтарди.
Қурилиш ишларини кенг миқёс-
да олиб бориш бинокорлик мате-
риаллари ишлаб чиқарувчи сано-
атнинг булдан кейинги ўсиши би-
лан боғлиқ. Шунингдек полимер-
лар асосида олинладиган бинокор-
лик материаллари ишлаб чиқариш
сурыатини тезляпти, сифатини ях-
шилляпти, турларини кўпайтириш
биноларнинг ҳозирги замон талаб-
ларига жавоб беришдан даражада
бўлишини таъминляпти. Полимер-
лар қурилишнинг енгил, арзон, бе-
жирим, мустаҳкам янги материал-
лар билан боғлиқдир.

Полимер материалларнинг қури-
лиш ва архитектурада ҳозирги
пайтда айна кам ишлатилганлиғи
нинг сабаби шунки, у пластмасса-
ларнинг хусусиятларидан бўлмай,
(улар ўз хусусиятларига кўра
азалдан ишлатиб келинаётган ку-
рилиш материалларидан анча ус-
тун туради), балки асосан улар-
нинг камчилиғи ва анча қиммат-
лиғидир. Аммо катта химиянинг
янада ривожланиши, бинокорлик
материалларини полимерлар асо-
сида қўланиш тобора оширади.

Ҳозирги пайтда Иттифоқимизда
пластмасса ва синтетик смолалар-
нинг дунё техникасига маълум
бўлган кўпгина турлари ишлаб чи-
қарилмоқда. Тошкентда қурилган
ва қад кўтарилган бир қатор би-
ноларда ҳозирдаёқ ана шу пласт-
масса материаллар муваффақият-
ли қўланилмоқда. Масалан,
Свердлов номи концерт залининг
поли эфир шаклида ишланган
рангли резинали линолеум билан
аллаштирилди. Бундай шикатлар-
дан ишланган полларнинг афзал-
лиғи шунданки, уларни ўратиш
жууда қулай ва осон, кўпга чи-
дайди. Полларга ишлатилган
янги-янги химия материаллари ў-
зларининг ранг-баранг турлари ва
шакллари билан бино архитекту-
расини нафислатьди. Бундан

ташқари поллар учун синтетик
шакла шимдилган ўта қаттиқ
ёғоч-толади плиткаларни ҳам қў-
ланиш мумкин.
Бинокорнинг деворларини пар-
дозлаш учун синтетик лак-бўёқ
материаллардан ташқари сиртига
синтетик смолалар эмульсияси
қопланган ювилувчан обойлардан
фойдаланиш мумкин. Бу матери-
аллар оддий қорғоз обойларга ка-
раганда 2—3 баравар кўп муддат-
га чидайди ва хонанинг тоза ту-
ришига ёрдам беради. Ранг-баранг
безатувишлик хусусиятига эга
бўлган қорғоз қатламлик пластин-
ларини ҳам хоҳлаган ранг ва шакл-
да ишлаб чиқариш мумкин. Улар-
дан жамоат биноларининг девор
ва панелларини, уй-жой, савдо
ва медицина муассасалари мебелла-
рини безашда фойдаланляпти.
Бир қанча қимматли хусусият-
ларга эга бўлган ёғоч толади
пластикларини ва синтетик смол-
а асосида тайёрланган сувга чидам-
ли панелларни конструктив-безак
материали сифатида қўланилиши
архитектурада янги шаклларнинг
вужудга келишига имкон туғди-
ради.

Мебель ишлаб чиқаришда ай-
ниқса муваффақият билан ишлати-
ла бошлаган ёғоч-чипкили плитка-
ларни шикларда, эшик ва девор
ичи шикларда қўланиш мум-
кин. Бундан ташқари органик ши-
ш аёки турлича пардозланган ши-
ш пластиклар каби алтироқ
пластмассалар ҳам архитектурада
катта роль ўйнай бошлади. Бу
пластмассалардан уларнинг енгил-
лик, ялтироқлиғи, химия-ҳил ранг-
лиқ хусусиятларини, уларга
контраст бўлган оғир материаллар
(пўлат, темир-бетон, ғишт) билан
бирга фойдаланилиши оқсидида
туғунай янги характерга эга бўл-
ган архитектура композициялари-
ни яратиш мумкин.
Маълумки, ранг ҳозирги замон
архитектурасида жууда катта аҳа-
миятга эга. Шунинг учун безак
материаллар ичиди бўёқ ва лак-
лар алоҳида ўрин тутайди. Ҳозир
қўланила бошлаган синтетик
махсулотлар қўйилган цемент-бў-
ёқлар, алкилфенол лаклар ва бўёқ-
лар, шунингдек бошқа хил бўёқ-
лар тез қуриш, узок муддатга чи-
дам хусусиятлари билан катта ке-
лажанка эгадир.
Шу йилдан бошлаб уй-жой сир-
ли бошларининг 1—3101 серияли
типовой лойҳаси янги типовой
лойджа билан аллаштирилди. Бу
лойджа химия мўъжизалари яри-
тиб берган материаллардан илочи
борича кўпроқ фойдаланишга ҳа-
ранат қилинган. Эрта Осие Халқ
қўжалиқ кенгаши қурилиш мате-
риаллари саноати бошқармасига
қарашли Тошкентдаги керамича
заводи сиртига силикат бўёқ юри-

тилган ғиштларнинг эксперимен-
тал нусхаларини тайёрлади. Қў-
қонда эса оқ силикат ғиштлар иш-
лаб чиқариш заводи махсулот бе-
ра бошлади. Янги лойҳада ана
шу корхоналарнинг махсулотлари-
дан фойдаланиш кўзда тутилган.
Утган йили Москвадан Тимир-
язев районда экспериментал беш
қаватли йирик панелли уй фойда-
ланишга топширилди. Уняғ таш-
қари девор панелларини синтетик ма-
териаллар асосида ишланган бў-
либ, бу панеллар ҳозирги уйсоз-
лик заводларига тайёрланаётган
панеллардан бир қатор афзаллик-
лари билан устун туради. Узун-
лиғи 5,2 метр, баландлиғи 2,65
метр ва қалинлиғи 10 сантиметр
бўлган бундай панелнинг оғирли-
ғи атғи 250 килограммдир. Ва-
ҳолани оддий бетон ёки керам-
ик бетондан тайёрланган панел-
ларнинг вази бир тонадан тор-
тиб 3 тоннагача боради. Шунан-
айтиш керакки, сейсмик ҳолати
асосан 7—8 балли ташкил қи-
лган Ўзбекистонда қурилган би-
ноларнинг умумий оғирлиғи қанча
енгил бўлса, у ер қимматлиғи
шунинг учун синтетик материаллар
асосида ишланган панеллардан
Ўзбекистон шароитида уйлар ку-
риш мақсада мувофиқ нелайди.
Маълумки, республикамизнинг
(Тошкентни истисно қилганда)

ҳамма шаҳарларидаги йирик па-
нелли уйсозлик комбинатларида
ишлатилган кассетлар «Гипро-
стройиндустрия»нингидир. Мос-
квадаги экспериментал уйни ку-
риш тажрибаси шунинг кўрсатдики,
унда фойдаланилган панелларни
қисман тақомиллаштирилса, «Гипро-
стройиндустрия» кассетларида
тайёрлаш мумкин экан.
Оқоридагилардан кўриниб ту-
рибдики, полимерлар асосида ян-
ги қурилиш материалларини яра-
тишда технолог ва конструктор-
лар билан бирга архитекторлар
ҳам иштирок этишлари лозим.
Бу ўз навбатида янги қурилиш
материалларига мос, замон талаб-
ларига жавоб бера оладиган янги
архитектура шаклларининг вужуд-
га келишига гаровдир. Ишонч би-
дан айтиш мумкинки, қурувчи ва
архитекторларнинг янги-янги би-
нолар лойҳасини яратишда кўп-
роқ химияга мурожаат қилишля-
ри қурилиш ва архитектурада по-
лимер материаллардан фойдал-
анишда уларга янги истиқболлар
очиб беради.

М. АҚРАМОВ,
Тошкентдаги типовой ва экс-
периментал уй-жой ҳамда жи-
воат бинолари қурилиш ил-
мий-текшириш ва лойҳалаш
зонал институтининг стар-
ший архитектори.

НА СОНИ БОР, НА САЛМОҒИ

Тошкентдаги 2-темир-бетон бу-
юмлари заводи коллективни эми-
масига катта вазифарлар юкляти-
лган. Корхона республикамизнинг
жууда кўп шаҳар ва районларида
қад кўтарилган турли хил саноат,
уй-жой, маданий-маиший объек-
тлар учун темир бетон буюмлари
етказиб бериши керак.
Шунинг оқиё айтиш керакки, кол-
лектив ўз зиммасига юклятилган
вазифини бажо келтиришда айрим
камчиликларга ҳам йўл қўймоқда.
Кейинги ойларида темир-бетон бу-
юмлари ишлаб чиқариш бўлиғи
белгиланган топшириқлар сурун-
касига бажарилмаляпти. Шу йил-
нинг январь, февраль, март ой-

лари плани тўла адо этилмади.
Натижада қурилиш объектлари
учун жууда ҳам зарур бўлган қатор
темир-бетон конструкциялари ва
деталлари ўз вақтида етказиб
берилмади. Бу билан ана шу об-
ъектларни бунёд этиш ишлари маъ-
лум даражада қўнанди.
Корхонада тайёрланаётган мах-
сулотнинг сифатини ҳам қўнғилла-
дик, деб бўлмайди. Бу ерда иш-
лаб чиқарилган темир-бетон кон-
струкциялари ва деталларини ола-
тидан айрим қурилиш ташкилотла-
ридан рекламациялар келиб ту-
рибди. Утган йили 30 дан ортқ
рекламация тушган эди. Лекин
шунга қарамай, корхонада махсу-
лот сифатини яхшилаш юзасидан
зарур чоралар қўрилмади. Бу ма-
сала юзасидан белгиланган тад-
бирлар эса ўз вақтида амалга
оширилмапти.

«Узтрансстрой» трестининг
Литвишлаг махсус бошқармаси
бинокорлари корхона юбортаси
темир-бетон деталларининг сифати
ёмонлиғидан нолишмоқда. Айрим

вақтларда завод раҳбарлари бу
ерга таомилла брак конструкция-
лари юбортаси. Бунинг оқибати
завод бошқармага 2242 сўм
штраф тўлади. Худди шу сабаб-
ларга кўра Тошкентдаги марказий
универмаг объектда қурилиш
монтаж ишлари бир ярим ой тўх-
таб қолди. Заводдан олинган те-
мир-бетон колонналар ишлатишга
таомилла яроқсиз бўлган.
Темир-бетон конструкциялари
ва деталларининг сифатсизлиғи
ҳақида жууда кўп бошқа мисоллар
ни ҳам келтириш мумкин. Сифат-
сиз махсулот ишлаб чиқаришнинг
энг асосий сабабларидан бири шу-
ки, корхонада инерт материалла-
рини саралашга етарли эътибор
берилмапти. Бунинг натижасида
Ферраллар, балкалар, қаватлар ора-
сига қўйилган деталлар ва бош-
қа шу каби муҳим конструкция-
ларни қоплашш технологияси бу-
зилапти. Инерт материаллар
орасида катта-катта тошларнинг
бўлиши ана шундай конструкция-

лар сифатига путур етказмоқда.
Чуқни бундай тошлар деталлар
орасида бўлиқлар бўлишига са-
баб бўляпти. Натижада констру-
циянинг чидамлиғига зарар ет-
казилляпти.
Ажабланидиган жойи шу ерда-
ки, корхонада ҳали ҳам ёғоч опа-
луклар кенг фойдаланиляпти.
Бундай опалукларда қопиллан-
ган темир-бетон конструкциялари
габаритлари ҳар доим ҳам кўнғил-
дагидек бўлмаптир. Чўқни ёғоч
опалуклар қоршаманинг босим
кучига бардош беролмай эгилиб
кетайди. Оқибатда конструкциялар
кингир-ғийиш қилади.
Темир-бетон конструкциялари
ва деталларида термик ишлов бе-
ришининг ёмонлиғи кўпгина махсу-
лотларнинг брак бўлишига олиб
келляпти. Қўпгина бу деталларга
техник ишлов бериладиган хонага
етарли миқдорда «этноиб турил-
мади. Натижада конструкциялар-
га чала-пулча термик ишлов бе-
рилади ва бу билан улар мўрт бўли-
б қолади.

Корхона ишчилари ўртсиди
давлат планини тўла ва ошириб
бажариш ҳақда сифатли махсулот
ишлаб чиқариш бўлиғи социализм-
нинг мусобақани ави олдириш
на маъмурият, на партия, на саба-
соиз ва комсомол ташкилотлари-
нинг эсига келаяпти. Ҳар бир
ичкиннинг ўзи тайёрлаётган мах-
сулот сифатига нисбатан масъу-
ляпти оширилляпти, уларнинг
унумли ва сифатли ишлалари
учун зарур шароитлар яратиб
берилмапти. Айниқса коммуни-
стик меҳнат тантанаси учун кураш
ёмон ташкил этилган. Корхонада
770 кишидан фақатгина 115
киши шу мусобақада иштирок эт-
моқда. Шу вақтга фақатгина
ўзига 6 кишини бирлаштирган ик-
ки эвентога коммунистлик меҳнат
коллективи деган ном берилган,
холос. Коллектив ўртсидида таш-
килотчилик, «омматий-сиёсий иш-
лар» деярлик олиб бормайди.
Корхона партия ташкилоти ком-

мунистларнинг авангардик роли-
ни таъминламапти.
Шуларнинг ҳаммасини корхона
коллек

